

**ШНҚ 2.04.08-13 “Газ таъминоти. Лойихалаш меъёрлари”  
шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

6.2-бандда:

а) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Маиший газдан фойдаланиш ускуналарини улаш учун ишлатиладиган эластик шланглар техник созлигини тасдиқловчи гувоҳнома ва мувофиқлик сертификатига эга бўлиши керак. Бундай шлангларнинг ички диаметри 10 mm дан кам бўлмаган, узунлиги 1,5 mдан ошмаган ва “газ” сўзи билан маркаланган бўлиши лозим.”;

б) қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Газ ҳисоблагичларни, иссиқлик таъминотини ва иссиқ сув таъминоти қозонларини ҳамда газ плиталарини кўп қаватли уйларда, шунингдек тор шароитларда ўрнатишда ҳисоблагичларни қувурларга улаш жойларида эгилувчан металл қувурлардан фойдаланишга рухсат этилади. Металл қувурлар икки томонлама муфтлар билан мустаҳкамланганда, у қўшимча резбали ва пайвандланган бўғинларга эга бўлмаслиги керак”.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРИНИНГ**

**БҮЙРУҒИ**

**ШНҚ 2.04.08-13 “Газ таъминоти. Лойиҳалаш меъёрлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ **буюраман:**

1. ШНҚ 2.04.08-13 “Газ таъминоти. Лойиҳалаш меъёрлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.
2. Мазкур буйруқ Адлия вазирлигида ҳисобга олинган кундан эътиборан кучга киради.

**Қурилиш вазири**

Тошкент ш.  
2021 йил 15 октябрь,  
188 сон



**Закиров Б. И.**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
ADLIYA VAZIRLIGI**

**TEXNIK JIHATDAN  
TARTIBGA SOLISH  
SOHASIDAGI NORMATIV  
HUJJATLARNING  
HUQUQIY EKSPERTIZASI  
NATIJALARI BO‘YICHA  
X U L O S A**

**2.04.08-13-сон**

***1. Хужжатнинг тури:***

Шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари

***2. Хужжатнинг номи***

ШНҚ 2.04.08-13 “Газ таъминоти. Лойиҳалаш меъёрлари”

***3. Хужжатни тасдиқлаган орган ва у киритилган сана ҳақидаги маълумот***

Мазкур хужжат Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири томонидан 2021 йил 16 октябрда 188-сон билан тасдиқланган.

***4. Хужжат бўйича таклиф ва эътирозлар***

Мазкур хужжат техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга қўйиладиган талаблар асосида киритилганлиги сабабли таклиф ва эътирозлар мавжуд эмас.

***5. Қонунчилик техникаси қоидаларига риоя қилинганлиги***

Ушбу хужжат “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон қарори ҳамда Идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) талабларига жавоб беради ва қонун хужжатларига зид эмас.

***6. Масъул ижрочи***

Ҳукумат байъонмаси қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий експертизадан о‘тказиш бoшқармаси

Хужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижаси бўйича

### **ХУЛОСА:**

Мазкур ШНҚга асосан ШНҚ 2.04.08-13 “Газ таъминоти. Лойиҳалаш меъёрлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритилмоқда.

Хусусан, маиший газдан фойдаланиш ускуналарини улаш учун ишлатиладиган эластик шланглар техник созлигини тасдиқловчи гувоҳнома ва мувофиқлик сертификатига эга бўлиши ҳамда бундай шлангларнинг ички диаметри 10 mm дан кам бўлмаган, узунлиги 1,5 мдан ошмаган ва “газ” сўзи билан маркаланган бўлиши лозимлиги белгиланмоқда.

Шу билан бирга, газ ҳисоблагичларни, иссиқлик таъминотини ва иссиқ сув таъминоти қозонларини ҳамда газ плиталарини қўп қаватли уйларда, шунингдек тор шароитларда ўрнатишда ҳисоблагичларни қувурларга улаш жойларида эгилувчан металл қувурлардан фойдаланишга рухсат этилиши ва металл қувурлар икки томонлама муфталар билан яхлит ҳолда жамланганда қўшимча резбали ва пайвандланган бўғинларга эга бўлмаслиги билан боғлиқ ўзгартириш киритилмоқда.

Тақдим этилган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида ҳуқуқий нормалар мавжуд эмас.

Юқоридагиларга кўра, “Газ таъминоти. Лойиҳалаш меъёрлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги буйруқни ҳисобга олиш мумкин деб хулоса қиламан.

**Vazir**



**Davletov R. K.**

2021 - yil 22 - oktabr